

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.Tar.72.07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎзР ФА ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ
МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ-МЕТОДИК
МАРКАЗ**

РАҲМОНОВ ХАМРО ХАЗРАТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТЛАР
ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ (НАВОЙИЙ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Рахмонов Хамро Хазратович

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий институтлар фаолияти тарихи
(Навоий вилояти мисолида).....5

Рахмонов Хамро Хазратович

История деятельности общественных институтов в Республике Узбекистан
(на примере Навоийской области)25

Rakhmonov Khamro Khazrotovich

The history of activity of social institutes of the Republic of Uzbekistan (in the
example of Navoi region) 48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....52

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020. Tar. 72.07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎзР ФА ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ
МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ-МЕТОДИК
МАРКАЗ**

РАХМОНОВ ХАМРО ХАЗРАТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТЛАР
ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ (НАВОЙИЙ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tar226 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Пасилов Баходир Абдуллаевич
тарих фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Хайитов Шодмон Ахмадович
тарих фанлари доктори, профессор

Ишқуватов Валиқул Турдиевич
тарих фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.Tar.72.07. рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «16» 04 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118 Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11-уй.Тел.: 0(365) 221-29-14; факс: 0(365)221-27-07 e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz.)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№1125 - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118 Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси хиёбони, 11-уй. Тел: 0(365) 221-29-14, факс: 652212707).

Диссертация автореферати 2022 йил «30» Апр куни тарқатилди.
(2022 йил « » даги рақамли реестр баённомаси).



Иноятов С.И

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Рашидов О.Р

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.ф.д.(PhD), доцент

Хайитов Ш.А

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзаролиги ва зарурати. Жаҳонда юз бераётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларда фуқаролик жамияти институтлари алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, XX асрнинг 90-йилларида мустақилликка эришган Марказий Осиё мамлакатларида ҳам миллий давлатчиликни барпо этиш, фуқаролик жамиятини қуриш ҳамда иқтисодий ривожланиш жараёнларида ижтимоий институтлар муҳим роль ўйнади. Шу жиҳатдан мазкур институтлар фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаган ҳолда, уларнинг фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган таклифлар бериш долзарб аҳамиятга эга масалалардан биридир.

Бугунги кунда жаҳоннинг турли илмий тадқиқот муассасаларида (Токио муниципал тадқиқотлар институти, Япон муниципал тадқиқотлар маркази, Керала маҳаллий бошқарув институти, АҚШ маҳаллий ҳукумат институти, Давлат ва маҳаллий бошқарув илмий тадқиқот институти (Россия) ва бошқалар) маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими, муниципал бошқарув, турли ижтимоий институтларга оид тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти давлатлар мисолида таҳлил қилиниши билан биргаликда, дунё мамлакатларидаги ўзини ўзи бошқаришнинг турли шакллари қиёсий ўрганилмоқда, уларнинг кўпчилиги ижтимоий институтлар сифатида эътироф этилмоқда.

Шу маънода, маҳалла институти ҳамда ёшлар ташкилотларининг ижтимоий институт сифатида шаклланиши ва ривожланиши тарихи, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ёшлар камолотидаги ўрнини илмий - назарий жиҳатдан тадқиқ этиш зарурати юзага келди. Жумладан, маҳалла институтини ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларда бу икки соҳа ривожига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ маҳалла институти ва ёшлар ташкилотларининг ижтимоий институт сифатида ўрнини янада такомиллаштириш масаласига эътибор қаратилган. Навоий вилоятида юз бераётган ижобий ўзгаришлар, ҳудуднинг республика иқтисодий тараққиётидаги ўрни ва унда турли ижтимоий институтларнинг иштирокини ўрганиш, бу борада мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимига оид тавсиялар бериш мавзунинг долзарблигини асослайди.

Диссертация иши Навоий вилоятида фаолият олиб бораётган маҳалла ва ёшлар ташкилотларининг ижтимоий институт сифатида жамият ҳаётида тутган ўрни, эришилган ютуқлар билан бир қаторда, мавжуд муаммоларни

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.

таҳлил этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4944-сон Фармони, 2018 йил 27 июнда “Обод маҳалла” дастури тўғрисидаги ПФ-5467-сон Фармони, 2020 йил 18 февраль ПФ-5938-сонли “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2020 йил 30 июнда “Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6017-сон Фармони, 2022 йил 28 январда “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, шунингдек, соҳа ва ҳудудни ривожлантиришга қаратилган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда ижтимоий институтлар фаолияти ва уларнинг диссертация объекти ҳисобланган Навоий вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тутган ўрндан келиб чиққан ҳолда мавжуд тадқиқотларни уч гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ. 1) Маҳалла институти фаолиятига бағишланган маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар. 2) Ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилиши ҳамда ёшлар ташкилотлари фаолиятига оид адабиётлар. 3) Мавзунинг айрим жиҳатлари ёритилган Навоий вилояти тарихига доир тадқиқот ишлари.

Биринчи гуруҳ маҳалла институти ўзбекистонлик олимлар А.Гребенкин, Ш.Жалилов, К.Калонов, М.Сувонқулов, Г.Умарова, Г.Маликова, З.Реймова, Г.Исмоилова, М.Муллажонова, М.Қирғизбоев, З.Рўзиев, О.Бўриев, Б.Саидов, В.Ишқуватов, Ф.Толипов, Б.Жуманиязовлар²,

² Гребенкин А. Ўрта Осиёда маҳалла. – Тошкент, 1993. – 140 б.; Жалилов Ш. Маҳалла ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий кафолати. – Тошкент, 1999. – 320 б.; Калонов К. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқарув тизими динамикасини таҳлил қилишда авторитетнинг туган ўрни (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти маҳаллалари мисолида): Соц.фан.ном... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. –24 б.; Сувонқулов М. Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг назарий-ҳуқуқий масалалари: Юрид. фан. ном... дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – 24 б.; Умарова Г. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиш ва такомиллаштириш тарихи: Тарих. фан. ном... дисс. – Тошкент, 2003. –164 б.; Маликова Г. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш (ҳуқуқий, ташкилий масалалар): Юрид.фан.ном...дисс. автореф. – Тошкент, 2004. –24 б.; Реймова З. Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми: Юрид.фан. ном... дисс. – Тошкент, 2004. –139 б.; Исмоилова Г. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2005. –174 б.; Муллажонова М. Ўзбекистонда демократик

хорижлик Д.Абрамсон, Э.Массикард, М.Камп, Д.Стивенс, С.Масару, Р.Уринбоев, Т.Дадабаевлар³ тадқиқотларида таҳлил қилинган. Уларнинг тадқиқотларида асосий масала сифатида маҳалла тарихи, маҳалланинг ёшлар тарбиясида тутган ўрни, унинг ҳуқуқий асослари ўрганилган. Шунингдек, “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти томонидан чоп этилган тадқиқотларни⁴ ҳам таъкидлаш лозим.

Г.Исмаилова, Г.Маликова, М.Сувонкуловлар масаланинг ҳуқуқий жиҳатларига эътибор қаратиб, Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий муаммоларини тадқиқ этган. Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг назарий-ҳуқуқий муаммоларини М.Муллажонова ва М.Қирғизбоевлар Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнларини илмий адабиётлар, эмпирик кузатишлар, ҳуқуқий манбалар асосида; Г.Умарова, О.Бўриев, Ф.Толипов, В.Ишқуватовлар Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини тарихий жиҳатдан тадқиқ этганлар.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳалла институтининг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маданий жиҳатлари бир қатор хориж тадқиқотчи ва олимларнинг ҳам қизиқишларига сабаб бўлмоқда. Хусусан, Д.Абрамсон ўтиш даврида Ўзбекистонда маҳалла институти фаолиятини, Э.Массикард Ўзбекистон маҳаллаларининг давлат ва жамият ривожланишидаги ўрнини, Цукуба университети профессори Т.Дадабаев маҳалланинг тарихий ва замонавий асослари, Суда Масару маҳалланинг жамият ижтимоий ҳаётидаги ўрни, Лунд университети тадқиқотчиси Р.Ўринбоев фуқаролик жамияти барпо этиш шароитида

жамият қуришда ижтимоий ва сиёсий институтларнинг роли: Сиёсий фан. ном... дисс. – Тошкент, 2006. – 177 б.; Қирғизбоев М. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши: Сиёсий.фан.док... дисс. – Тошкент, 2007. – 342 б.; Рўзиев З. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни (назарий-ҳуқуқий масалалар). –Тошкент, 2012; Бўриев О., Саидов Б. Маҳалла – миллий тарихий институт. – Тошкент, 2012. – 188 б.; Ишқуватов В., Толипов Ф. Маҳалла ўтмишида ва бугун. – Тошкент, 2014. – 234 б.; Ишқуватов В. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларининг ривожланиш тарихи (1991-2020): Тарих фан. док... (DSc) дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 68 б.; Жуманиязов Б.Ўзбекистонда мустақиллик даврида фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи: Тарих фан. бўйича фал. док... (PhD) дисс. автореф. – Нукус, 2022. – 52 б.

³ Abramson. D.M. From Soviet to Mahalla: Community and Transition in Post-Soviet Uzbekistan.(PhD Dissertation) – Indiana University, Bloomington, Indiana. – 1998; Elise Massicard., Tommaso Trevisani. The Uzbek mahalla between state and society // Tom Everett Health. Central Asia aspects of transition. – London. 2003. – P. 290; Kamp M. Between Women and the State: Mahalla Committees and Social welfare in Soviet Rule to Independence. (pp 29-58.) Ithaca: –Cornell University Press. –2004; Daniel Stevens. NGO-Mahalla partnerships: exploring the potential for state society synergy in Uzbekistan // Central Asian Survey. 2005. №24(3). – P. 281-296; Masaru S. The Politics of Civil Society. Mahalla and NGOs: Uzbekistan. In I. Osamu and U. Tomohiko (eds). Reconstruction and Interaction of Slavic Eurasia and Its Neighboring Worlds. – Sapporo: Slavic Research Center, Hokkaido University. –2006. –P. 335–370; Urinboev, R. Law, Social Norms and Welfare as Means of Public Administration: Case Study of Mahalla Institutions in Uzbekistan. Nispacee Journal of Public Administration and Policy, IV (No. 1, Summer 2011), The NISPACEE Journal of Public Administration and Policy, Vol. IV, No. 1, Summer 2011. – P. 33-57; Dadabayev T. Community life, memory and a changing nature of mahalla identity in Uzbekistan // Journal of Eurasian studies. 2013. №4. – P.181-196.

⁴ Ўзбекистон маҳаллалари: кеча ва бугун. – Тошкент, 2021. – 408 б.; 2016-2021 йилларда Ўзбекистонда маҳалла институти: ривожланиш одимлари. – Тошкент, 2021. – 234 б.

маҳалла тизимидаги ислоҳотлар, ижтимоий ҳимоя сиёсати, жамоатчилик назорати каби масалаларни ёритган.

Тадқиқот натижалари мазкур масалада ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик соҳаларида амалга оширилган ишларнинг кўлами кенглиги, тарих фанлари соҳасида эса нисбатан озчиликни ташкил этишини кўрсатди. Бу маҳалла институтининг тарихи, анъаналари, тарихшунослик масалалари, унинг ривожланиши, хорижий илмий марказларда ўрганилиши каби бир қанча масалалар юзасидан йирик тарихий тадқиқотларни амалга ошириш заруриятини юзага келтиради.

Иккинчи гуруҳ фанлараро ёндашув асосида сиёсий фанлар йўналишида С.Жўраев, Л.Тангриев, Б.Жўраев Ш.Эрматов, Д.Бўронова⁵; педагогика фанлари йўналишида Б.Шермухаммадов, Қ.Куранбаев, Б.Мирзалимов⁶; ҳуқуқий соҳада Р.Турдибоева, Э.Абзалов⁷; фалсафа ва тарих соҳасида М.Маматов, Г.Туленова, Ш.Раҳимов, Ш.Норов⁸ тадқиқотларини келтириш мумкин.

Хусусан, Л.Тангриев, Ш.Эрматов, Д.Бўроноваларнинг тадқиқот ишларида Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг турли аспектлари, ёшлар бандлиги, ижтимоий сиёсий жараёнлар ва турли жамоат бирлашмалари фаолиятидаги иштироки сиёсий жиҳатдан таҳлил этилган. Мазкур тадқиқотларда ёшлар ташкилотлари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Шу билан бирга, Б.Шермухаммадов, Б.Мирзалимовлар томонидан педагогика соҳаси бўйича олиб борилган тадқиқотларда “Камолот” ёшлар ҳаракати мисолида ёшлар орасида миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини ошириш ҳамда ёшлар онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантириш масалалари тадқиқ этилган бўлса, Ш.Раҳимов томонидан мустақиллик йилларида ёшларга оид давлат

⁵Жўраев С. Ўзбекистон давлатининг ёшларга доир сиёсати: назария ва амалиёт: Сиёсий фан. док... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 52 б.; Тангриев Л. Ёшлар сиёсати субъекти: бандлик муаммоси: Сиёсий фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 22 б.; Жўраев Б. Ўзбекистонда жамиятнинг демократлашуви жараёнида ёшлар сиёсий фаоллиги муаммоси: Сиёсий фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 82 б.; Эрматов Ш. Ўзбекистонда кишлоқ ёшларининг сиёсий жараёнларда иштироки: ютуқлар, муаммолар ва ечимлар: Сиёсий фан. номз... дисс. – Тошкент, 2007. -143 б.; Бўронова Д. Ёшларга оид давлат сиёсати динамикаси ва муаммолари (Ўзбекистон мисолида): Сиёсий фан. номз... дисс. – Тошкент, 2009. – 173 б.

⁶Шермухаммадов Б. Ёшлар орасида миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини ошириш (“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати мисолида): Пед. фан. док... дисс. автореф. – Т., 2016. – 87 б.; Куранбаев Қ. Педагогические основы развития духовной и социальной активности студентов: Автореф. дисс... канд. пед. наук. – Ташкент, 2000. – 28 с.; Мирзалимов Б. Ёшлар онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантиришнинг педагогик асослари (“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати мисолида): Пед.фан.номз... дисс. – Тошкент, 2005. – 158 б.;

⁷Турдибоева Р. Талаба-ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш муаммолари: Юридик фан. номз... дисс. – Тошкент, 2000. – 185 б.; Абзалов Э. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш муаммолари: Юридик фан. номз... дисс. – Тошкент, 2000. – 153 б.

⁸Маматов М. Кишлоқ ёшларининг маънавиятини шакллантириш, унга миллий ва диний қадриятларнинг таъсири: Фалсафа фан.номз... дисс. – Тошкент, 1998. – 141 б.; Туленова Г. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли (ижтимоий-фалсафий таҳлил) Фалсафа фан. док... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 68 б.; Раҳимов Ш. Ўзбекистон Республикаси Ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилиши (1991-2018 йиллар): Тарих фан. бўйича фал. док... (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 56 б.; Норов Ш. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Ёшларга оид давлат сиёсатининг тарихий шаклланиши ва тажрибаси (Навоий вилояти мисолида): Тарих фан. бўйича фал. док... (PhD) дисс. автореф. – Бухоро, 2022. – 54 б.

сиёсатининг амалга оширилиши, ёшлар иттифоқи, “Камолот” жамғармаси фаолияти, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда жаҳон тажрибаси тарихий жиҳатдан тадқиқ этилган. Аммо ушбу тадқиқотларда сўнгги йилларда янгидан ташкил этилган ёшлар ташкилотларининг фаолияти ҳамда амалга оширилаётган соҳага доир ислоҳотлар таҳлилга тортилмаган.

Учинчи гуруҳ вилоят туманлари тарихи ёритилган туркум нашрлар⁹ ва маҳаллий тадқиқотчилар Р.Қаршиев, А.Аминова, У.Нарзуллаев, Ш.Холикуловаларнинг диссертация ишларини¹⁰ ташкил этади.

А.Аминова Навоий вилоятининг 1991–2007 йиллар иқтисодий ривожланишини тарихий аспектда таҳлил қилган. Аммо мазкур ишда Навоий вилоятининг ҳудудий хусусиятлари, маҳалла институтлари фаолияти, ёшлар муаммолари алоҳида тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаган. Шунингдек, У.Нарзуллаев Навоий вилоятининг замонавий тарихига бағишланган тадқиқотида вилоят иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг ўрни, вилоятнинг халқаро маданий-гуманитар алоқалари, таълим ва илм фан соҳасидаги ютуқ ва муаммоларни тадқиқ этган. Мазкур тадқиқотда вилоятда мавжуд ижтимоий институтлар, хусусан, маҳалла ва ёшлар ташкилотларининг фаолияти, жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ёритилмаган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлили шуни кўрсатдики, Навоий вилоятининг ўзига хос ҳудудий хусусиятлари, вилоятда ижтимоий институтлар фаолиятидаги ютуқлар билан бир қаторда, мавжуд камчиликлар, ёшлар муаммолари каби масалалар етарли даражада тадқиқ қилинмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎЗР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “ПЗ-20170928749 Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишининг тарихий шарт-шароитлари,

⁹ Холмуродов Р. Хатирчи тумани тарихи. – Тошкент, 1996. – 78 б.; Облақулов Ғ. Навбаҳор тумани. – Тошкент, 2000. – 142 б.; Навои–чудо город в пустыне / Составители: Иноятов С., Ражабов Қ., Ибрагимов Х. и др. – Тошкент, Ўзбекистон, 2008. – 211 с.; Навоий – ўтмиши қадим, келажаги нурли диёр. / тузувчи-муаллифлар: Сулаймонов Р., Турдимов Э., Турсунов Қ., Иноятов С. ва бошқ. – Тошкент: Маънавият, 2021. – 320 б.; Хайтова О., Курбонов Х. Кармана тарихи. – Тошкент: Mashhur-Press, 2018. – 206 б.; Курбонов Х., Ахмедов Р., Исмоилзода Ш., Нарзуллаев У., Тоғаев З. Нурота тумани: кеча ва бугун. – Тошкент: Sahnhof, 2020. – 360 б.; Мақсудов Р., Ражабов Қ. Қизилтепа тумани: кеча ва бугун. – Тошкент: Sahnhof, 2020. – 408 б.; Мустафоев Ж., Нарзуллаев У., Сафаров З. Конимех тумани: кеча ва бугун. – Тошкент: Sahnhof, 2020. – 360 б.; Нарзуллаев У., Мустафоев Ж., Тилолов Н., Джўнаев Ф. Навбаҳор тумани: кеча ва бугун. – Тошкент: Sahnhof, 2020. – 456 б.; Курбонов Х., Мустафоев Ж., Тоштуров Ш., Иноятов А., Раҳмонов Х. Хатирчи тумани: кеча ва бугун. – Тошкент: Sahnhof, 2021. – 380 б.; Мақсудов Р. Mahallam – faxrim (Qiziltepa tumanidagi mahallalarning o‘tmishi va buguni haqida). – Toshkent: Mahalla, 2021. – 379 б.

¹⁰ Қаршиев Р.М. Навоий шаҳрининг иқтисодий-ижтимоий ва маданий таракқиёти: тажриба ва муаммолар (1958-1990 йй.): Тарих фан. номз... дисс. – Андижон, 1996. – 147 б.; Аминова А. Исторический анализ экономических преобразований в Навоийской области (1991 - 2007 гг.): Автореф. дис. канд. ист. наук. – Ташкент, 2012. – 29 с.; Нарзуллаев У. Ўзбекистон Республикаси Навоий вилоятининг замонавий тарихи ва барқарор ривожланиш омиллари: Тарих фан. бўйича фал. док... (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 53 б.; Холикулова Ш. Куйи Зарафшон воҳаси саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши жараёнлари (1991–2016 йй.): Тарих фан. бўйича фал. док... (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 52 б.

ижтимоий-иқтисодий ва маданий омиллари” (2018–2020 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. 1991-2021 йилларда Навоий вилоятида маҳалла ва ёшлар ташкилотларининг ижтимоий институт сифатидаги фаолиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистонда ижтимоий институтларнинг шаклланиши жараёнларини тадқиқ этиш;

республика маҳалла ҳамда ёшлар ташкилотларининг ижтимоий институт сифатидаги ўрнини кўрсатиш;

Навоий вилоятида ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳудудий хусусиятларини таҳлил этиш;

вилоят ижтимоий ҳаётида маҳалланинг ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш;

вилоят ёшларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ёшлар ташкилотларининг аҳамиятини асослаб бериш;

ёшлар муаммоларини ҳал этишда ижтимоий институтлар фаолиятини таҳлил қилиш;

вилоятдаги маҳалла ва ёшлар сиёсатида оид ижтимоий институтлар фаолиятидаги мавжуд муаммолар ечими ва истиқболли масалаларни кўрсатиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти мустақиллик йилларида Навоий вилоятида фаолият олиб бораётган ижтимоий институтлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Навоий вилоятидаги маҳалла ва ёшлар ташкилотлари фаолияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда фанлараро ёндашув, муаммовий-хронологик ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XX асрнинг 80-90 йилларида вилоятдаги ҳудудий жиҳатдан олис масофада жойлашган маҳалла ва овулларда турли инфраструктураларнинг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги ҳамда тизимда малакали кадрлар етишмаслиги оқибатида қишлоқ аҳолиси орасида ишсизлар сони кўпайганлиги ва шаҳар жойларида оилавий ажримлар фоизи юқори бўлганлиги далилланган;

Навоий вилоятининг Хатирчи, Нурота, Конимех ва Томди туманларида маҳалла фуқаролар йиғинлари географик жойлашувига кўра шаҳар ва туман марказидан узоқда, чўл ҳамда тоғли ҳудудларда жойлашганлиги, вилоят туманлари аҳолиси миқдоридан келиб чиқиб, туманларни ташкил этувчи фуқаролар йиғинлари сонидан ҳам юқори тафовут мавжудлиги Хатирчи ва Томди туманлари мисолида исботланган;

Навоий вилоятида ёшларни қўллаб қувватлаш, уларнинг иқтидор ва имкониятларини юзага чиқариш, ривожлантириш мақсадида вилоят, шаҳар ва туман маҳаллаларида ёшлар клублари, замонавий кутубхоналар ташкил этиш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижод мактаблари

фаолиятини йўлга қўйиш, ҳудуд ёшларининг интеллектуал ва касбий салоҳиятини юксалтиришда турли ижтимоий институтларнинг самарали фаолият юритиб келаётганлиги очиб берилган;

республикада сўнгги йилларда маҳалла институти фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар тизимда ижобий ўзгаришларга олиб келганлиги, жумладан, Навоий вилоятида хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга, аҳоли бандлиги таъминлашга, даромадларининг ошишига ва турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилаётганлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тарихий ва фанлараро ёндашув асосида мустақиллик йилларида ижтимоий институтлар фаолияти тарихи Навоий вилояти мисолида кўрсатиб берилган.

Навоий вилоятида ижтимоий институтлар фаолиятини кўрсатиб берувчи бир қатор янги маълумотлар, архив ҳужжатлари ва материаллар илк бор илмий муомалага киритилган.

Кенг турдаги манбалар асосида Навоий вилоятининг ўзига хос хусусиятлари, маҳалла ва ёшлар ташкилотларининг ижтимоий институт сифатидаги фаолиятига оид маълумотлар таҳлил қилиниб, улар асосида Ўзбекистон ва ҳудуд тарихини ўрганиш ҳамда ўқитишда фойдаланиш мумкин бўлган маълумотлар ёритиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда тарих ва бошқа фанларда тан олинган илмий ёндашувлар, илмий усуллар асосида бирламчи манбаларга оид адабиётлардан фойдаланилгани, хулоса, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ижтимоий институтлар фаолияти тарихини ўрганишда фанлараро ёндашувлар ва янги назарий қарашлардан фойдаланиш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича олиб борилаётган тадқиқот ишларини илмий-назарий ва услубий нуқтаи назардан бойитиш, ушбу масалага доир илмий хулосаларнинг амалиётга жорий этилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти илмий натижалардан олий таълим муассасаларида “Ўзбекистон тарихи”, “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи”, Навоий давлат педагогика институти Тарих таълим йўналишидаги “Навоий вилояти: ўтмиши ва бугуни” (бакалавр), “Навоий вилояти тарихини ўқитишнинг долзарб муаммолари” (магистратура) каби фанларни ўқитиш ҳамда ушбу фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги, шунингдек, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишига йўналтирилган мақсадли давлат дастурларининг бажарилишида муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий институтлар фаолияти тарихи (Навоий вилояти

мисолида)» тадқиқоти асосида олинган илмий натижалар ва амалий таклифлардан:

вилоятдаги ҳудудий жиҳатдан олис масофада жойлашган маҳалла ва овулларда турли инфраструктураларнинг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги, тизимда малакали кадрлар етишмаслиги оқибатида ХХ асрнинг 80-90-йилларида қишлоқ аҳолиси орасида ишсизлар сони, жиноятчилик ва ажримлар фоизи юқори бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлардан ЎзР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказда бажарилган ПЗ-20170928749 рақамли “Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишининг тарихий шарт-шароитлари, ижтимоий-иқтисодий ва маданий омиллари” номли амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2021 йил 16 августдаги 3/1255-2254-сонли маълумотномаси). Натижаларнинг жорий қилиниши Ўзбекистонда маҳалла институти тарихи, мустақиллик йилларида маҳалла институти фаолиятининг такомиллашуви, хорижий тадқиқотларда ёритилиши каби масалаларни кенг турдаги манбалар асосида кўрсатиб беришга хизмат қилган.

Хатирчи туманида “хавфсиз маҳалла” тамойилининг жорий этилиши, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга, “жамоатчилик назорати” пунктлари фаолиятини такомиллаштириш эса маҳаллалар аҳолиси даромадларининг ошишига ва турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилгани тўғрисидаги маълумотлардан Вазирлар Маҳкамасининг “2019-2021 йилларда Навоий вилоятининг Хатирчи туманини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 2019 йил 22 июлдаги 613-сон қарорининг 2-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 4 майдаги 12/21-20-сон далолатномаси). Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши Хатирчи туманидаги маҳаллалар аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилган.

2017–2020 йилларда ҳукумат томонидан ўзини ўзи бошқариш органларига оид давлат сиёсатининг амалга оширилиши натижасида вилоятда маҳалла институтлари томонидан ижтимоий ҳаётидаги ажримлар, жиноятчилик, ишсизлик муаммолари ҳал этилишига хизмат қилгани ҳамда Навоий вилоятида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда “Камолот” ЁИХ, “Камалак” болалар ташкилоти, Ёшлар Иттифоқи, Ёшлар ишлар агентлиги, Партия ёшлар қанотлари, Ёшлар парламенти каби ижтимоий институтларининг вилоят ёшларини ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдаги ўрни ҳамда таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик, ҳуқуқбузарлик, турли ижтимоий-маиший муаммоларни ҳал этишдаги роли тўғрисидаги маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий тадқиқот институтида бажарилган ЖХБЛ-45 “Ўзбекистон маҳаллалари: кеча ва бугун” номли илмий лойиҳасида фойдаланилган. (“Маҳалла ва оила” илмий-

тадқиқот институтининг 2021 йил 2 ноябрдаги 01-09/616-сонли далолатномаси). Натижалар Ўзбекистонда маҳалла институтининг шаклланиши ва ривожланиш босқичларини илмий жиҳатдан янги маълумотлар асосида ёритиш ва таҳлил қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижасида олинган хулоса ва таклифлар 17 та илмий-амалий анжуманда, шулардан 3 та халқаро ва 14 та республика конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш эълон қилинган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги белгилаб олинган. Мавзу бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти баён қилинган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ўзбекистонда ижтимоий институтларнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи”** деб номланган бўлиб, унда Ўзбекистонда ижтимоий институтларнинг шаклланиши ва ривожланиш жараёнлари, маҳалла ва ёшлар ташкилотларининг жамият ҳаётида ижтимоий институт сифатидаги ўрни таҳлил қилинган.

Маълумки, кишилар табиатан жамоа бўлиб яшашга, мавжуд муаммоларини биргаликда ҳал этиш мақсадида турли давлат ва жамоат уюшмалари, ташкилотларини тузганлар. Дастлаб жуда оддий тузилма ва функцияларга эга бўлган ташкилотлар вақт ўтиши билан турли институтционал кўринишларда ривожланиб, уларнинг вазифаси, ваколатлари, структураси ва номлари ўзгариб борди. Ҳозирда улар фуқаролик жамияти институтлари, ижтимоий ҳамда сиёсий институтлар каби турли номлар билан юритилмоқда. Давлат ва жамият ҳаёти мазкур институтлар билан узвий равишда ривожланиб бормоқда.

1991 йил 15 февралда Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги¹¹ Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши демократик мезонларга

¹¹Халқ сўзи. 1991 й. 16 февраль. Олий Кенгаш Ахборотномаси. 1991 й., 4-сон, 76-модда.
<https://lex.uz/docs/111825> (17.12.2019)

асосланадиган жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, турли хил ижтимоий институтларнинг шаклланиши, ривожланиши ва фаолият юритишларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлади ҳамда илк бор жамоат бирлашмаларининг асосий мақсад, вазифаларини аниқ белгилаб берди¹². Шунга асосан, республикада ижтимоий институтлар фаолиятига кенг имкониятлар яратилиб, йилдан йилга такомиллашиб борди. Хусусан, 1991 йилда мамлакатда жами 100 та, 2015 йил 8200 та¹³, 2020 йилга келиб, Республикада турли соҳаларда 9700 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси адлия органлари томонидан рўйхатга олинган. Уларнинг асосий қисмини турли ижтимоий институтлар ташкил этади.

Маҳалла давлат ва жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган ижтимоий институтдир. Ўзбекистонда маҳалла институти фаолияти соҳага оид қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши асосида босқичма-босқич такомиллаштирилиб борилди¹⁴. Мазкур институт ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиб келаётганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда 1994 йилда 12 мингдан ортиқ, 2001 йилда 7847 та фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлган бўлса, 2021 йилда 9314 та фуқаролар йиғинлари фаолият олиб борди¹⁵. Диссертация тадқиқоти асосида маҳаллалар сонининг доимий ўзгариб туриши Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш, мувофиқлаштириш зарурияти ва тизимда олиб борилаётган ислохотлар натижаси эканлиги аниқланди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда 2003 йил – “Обод маҳалла” йили, 2004 йил – “Меҳр ва мурувват” йили, 2007 йил – “Ижтимоий ҳимоя” йили, 2013 йил – “Обод турмуш” йили деб эълон қилиниши ва Давлат дастурларининг қабул қилиниши жамиятда маҳалланинг ижтимоий институт сифатида нуфузининг ошишига хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги¹⁶ Фармонида асосан, маҳалланинг давлат ва жамият ҳаётида

¹² Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида” ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикасининг қонунлари. 4-сон. – Тошкент: Адолат, 1993. – Б. 155.

¹³ Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан рўйхатга олиш масалалари бўйича амалий қўлланма. – Тошкент: ART FLEX, 2015. – Б.12.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони (1992 йил 12 сентябрь); Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги Қарори (1992 йил 17 октябрь); Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (1993 йил 1 декабрь); 1993 йил 2 сентябрда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни (Қонунга 1997 йил 25 апрелда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, 1999 йил 14 апрелда ҳамда 2013 йил 22 апрелда Қонуннинг янги таҳрири) қабул қилинди.

¹⁵ Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг жорий архиви. 2021 йил яқунлари бўйича ҳисоботи (электрон ресурс).

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами,

ижтимоий нуфузини оширишга қаратилган бир қатор тизимли ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари маҳалла тизимини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда республикадаги турли ижтимоий институтлар фаол иштирок этди. Ёшлар масаласининг давлат сиёсати даражасига кўтарилишининг асосий сабабларидан бири бу аҳоли умумий сонига ёшлар улушининг юқори эканлиги билан боғлиқ. Хусусан, 1991 йилда 30 ёшгача бўлган ёшлар аҳоли умумий сонига солиштирганда 68,2 фоиз, 2021 йилда эса 55 фоизни¹⁷ ташкил этган. Кўриниб турибдики, аҳолининг умумий сонига ёшлар улуши йилдан йилга камайиб бормоқда.

Ўзбекистонда 1991-2021 йилларда “Ўзбекистон ёшлари иттифоқи” (1991-1996), “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Камалак” болалар ташкилоти, “Ёшлар ташаббуслари” маркази, сиёсий партиялар ҳузурида “Ёшлар қанот”лари, “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи”, Ёшлар ишлари агентлиги каби ёшлар ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилган.

Диссертант фикрича, мазкур ташкилотлар қатор йиллар давомида турли муассасаларда, асосан, тадбирлар ташкил этиш билан банд бўлган бўлса, 2017 йилдан кейин фаолият олиб бораётган турли ёшлар ташкилотлари ёшлар муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш бўйича олиб бораётган амалий ишлари, ташаббускор ғоялари билан нисбатан ривожланиб бораётганлиги таъкидланган.

Тадқиқотнинг “**Навоий вилоятида маҳалла институти: ҳудудий хусусиятлари ва ўзига хослиги**” деб номланган иккинчи бобига Навоий вилоятида ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти ва ҳудудий хусусиятлари, вилоят ижтимоий ҳаётида маҳалланинг ўрни, муаммолар ечими ва истиқболли масалалар, ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар танқидий ўрганилиб, таҳлил қилинган.

Навоий вилояти мустақиллик даврида ташкил топган бўлиб, кўпмиллатли мазкур минтақа ўзига хос географик жойлашуви, демографик ва этнографик хусусиятлари, бой тарихи, мамлакат иқтисодий ривожига қўшаётган ҳиссаси ҳамда ҳудудий хусусиятлари билан республиканинг бошқа минтақаларидан ажралиб туради. Хусусан, вилоят ҳудудининг асосий қисми чўл зоналаридан иборат, республиканинг жанубий вилоятлари билан солиштирганда Навоий вилоятида урбанизацион жараёнлар нисбатан юқори, саноатлашган ҳудуд сифатида мамлакат иқтисодиётининг локомотив ва драйверларидан бири бўлиб, аҳоли демографиясида ҳам саноат ишчиларининг салмоғи нисбатан кўпчилиқни ташкил этади, ҳудуд аҳолисининг салмоғи кам бўлишига қарамасдан, аҳоли миллий таркибининг

2017 й., 6-сон, 70-модда; 20-сон, 354-модда; 23-сон, 448-модда; 37-сон, 982-модда. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон.

¹⁷ Ёшлар бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинмоқда // <https://president.uz/uz/lists/view/4105> (27.01.2021)

хилма-хиллиги, яъни ўзбеклар билан бир қаторда, 90 га яқин миллат ва элат вакиллари яшаб келмоқда.

Диссертант фикрича, Навоий вилоятида маҳалла институтининг худудий хусусиятларига кўра ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Хусусан, республика вилоятлари орасида фақатгина Навоий вилоятида овул фуқаролар йиғинларининг мавжудлиги (Қорақалпоғистон Республикасидан ташқари) ҳам худуднинг бошқа вилоятлардан фарқли жиҳатларидан биридир. Вилоятда 2015 йилда жами 330 та фуқаролар йиғинлари бўлса, шундан 20 таси овул фуқаролар йиғинлари бўлиб, улар Конимех, Томди, Учқудуқ туманларида фаолият олиб боради. Бутун республикада бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам фуқаролар йиғинлари сони доимий ўзгариб турган. Масалан, 2021 йилга келиб вилоятда 343 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият олиб борган. Шунингдек, Навоий вилоятида республикада энг кам чегара худудларида жойлашган маҳаллалар (8 та) иш олиб борган бўлса, бошқа худудларига нисбатан жамоатчилик асосида фаолият олиб бораётган маҳаллалар мавжуд эмаслиги аниқланган. Навоий вилояти аҳолиси миллий таркиби хилма-хиллиги ҳисобига вилоят фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раис (оқсоқол) лари орасида турли миллат вакиллари мавжуд, фуқаролар йиғинлари географик жойлашувига кўра шаҳар ва туман марказидан узоқда, чўл ҳамда тоғли худудларда жойлашган (Хатирчи, Нурота, Конимех ва Томди туманлари), вилоят туманлари аҳолиси сонидан келиб чиқиб, фуқаролар йиғинлари сонидан тафовут юқори. Масалан, Хатирчи туманида 68 та, Томди туманида 7 та фуқаролар йиғинлари мавжуд.

Тадқиқот доирасида Навоий вилоятининг Хатирчи, Нурота, Конимех ва Томди туманларида фуқаролар йиғинларининг туман марказларидан узоқда жойлашганлиги, мобил алоқа ва интернет тизимидаги муаммолар, марказий ва маҳаллий ташкилотлардан бериладиган топшириқларнинг бажарилишига, овуллар орасидаги масофанинг узоқлиги эса жойлардаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва бартараф этишда салбий таъсирини ўтказиши, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда бошқа юқори турувчи ташкилотлар томонидан фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларига ваколатидан ташқари вазифаларини юклаш, бажарилишини қатъий талаб қилиш ҳолатлари учраб туриши аниқлаган. Шундан келиб чиқиб, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан вилоят ва туман марказларидан олис масофада жойлашган фуқаролар йиғинлари раис (оқсоқол)ларининг эҳтиёжини ҳисобга олиб автомашина билан таъминлаш тартибини жорий этиш, маҳалла тизими ходимлари фаолиятига оид бўлмаган вазифаларни юклашни камайтириш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашини бартараф этиш тавсия этилади.

Диссертацияда вилоят ижтимоий ҳаётида маҳалланинг ўрни, мавжуд муаммолар ечими ва истиқболли масалалар ҳам таҳлил қилинган. Таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда Навоий вилояти фуқаролар йиғинлари фаолиятида янги ўзгариш ва ислохотлар кўзга ташланади.

2019 йилги сайлов натижаларига кўра, Навоий вилояти фуқаролар йиғинлари органларига сайланган раис (оқсоқол) ларнинг 187 нафари (61 %) олий маълумотли, 120 нафари (39 %) ўрта-маҳсус маълумотга эга бўлган¹⁸.

Сайланган раис (оқсоқол) ларнинг олий маълумотлилик даражаси бўйича Тошкент шаҳри, Қашқадарё ҳамда Навоий вилоятлари етакчи ўринни эгаллайди. Аммо тадқиқот натижасида шу нарса аён бўлдики, айрим ҳолларда жойларда раис (оқсоқол)лар сайлови натижаларига оид статистик маълумотлар хато юритилган. Яъни, маълум бир номзодни ўтказиш учун у ҳақдаги маълумотларни сохталаштириш ҳолатлари кузатилган. Бу каби ҳолатлар фақатгина Навоий вилоятида эмас, республиканинг барча ҳудудларида кузатилган. Хусусан, 2006 йилги сайловларда Қашқадарё вилоятида 71 та, Андижон вилоятида 30 та, Тошкент шаҳрида 14 та фуқаролар йиғинлари раислари ва оқсоқолларига сайловчилар томонидан ишончсизлик билдирилган¹⁹. Бундай ҳолат Навоий вилоятида 7 та сайлов участкасида кузатилган. Олдинги йилларда бўлиб ўтган сайловларда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”²⁰ги Қонунда белгиланган талаб ва тартибларнинг бузилиш ҳолатлари кўп учраган ва қолган ҳудудларда ҳам сайловлардаги ноҳолисликлар ўз вақтида бартараф этилиши керак эди. Аммо қатор йиллар давомида бу жараён давом этиб келди.

Кўп йиллар давомида маҳалланинг вазифаси оилаларга ёрдам бериш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш, маҳаллий даражада жамоанинг турли масалаларини ҳал қилишдан иборат бўлди. Жумладан, 1997 йилда Навоий вилоятида (Навоий шаҳридан ташқари) 58312 кишига давлат томонидан турли ижтимоий нафақалар тайинланган бўлса²¹, Навоий шаҳрининг ўзида 11570 нафар фуқароларга нафақа ва ёрдам пуллари тайинланган²². 2020 йилда эса, 85934 нафар вилоят аҳолиси ёшга доир нафақалар олган. Кейинги йиллардаги ислохотлар натижасида моддий ёрдам бериш тизими маҳаллалар ваколатидан чиқарилди.

Навоий вилоятида аҳоли муаммоларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг асосий қисми бандлик (24,5 фоиз), банк кредитини ажратиш (18,4 фоиз), соғлиқни сақлаш (7,1 фоиз), йўл (5,9 фоиз), кадастр (5,0 фоиз), ичимлик суви (4,5 фоиз), электр таъминоти (3,9 фоиз) ва газ таъминоти (2,5 фоиз) масалаларини ташкил этади. Меҳнатга лаёқатли 574501 нафар аҳолининг 37736 нафари (6,56 фоиз) ишсизлар рўйхатига олинган. Вилоят аҳолисининг 53,5 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланган²³. Аммо Томди, Конимех, Учқудуқ, Нурота, Хатирчи

¹⁸ Навоий вилояти Маҳалла кенгаши 2019 йилги сайловлар якунига оид маълумотлар. Навоий, 2019. – Б.14.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг жорий архиви. Сенатнинг 2006 йил 10 августдаги “Фуқаролар йиғинлари раис (оқсоқол) лари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг якунлари ҳақида”ги Қарори. – Б.2-3.

²⁰ <https://lex.uz/docs/3988421> (20.08.2020)

²¹ Навоий вилояти давлат архиви. 275 - фонд, 1- рўйхат, 57 - йиғма жилд, 1-8-варақлар.

²² Навоий вилояти давлат архиви. 275 - фонд, 1- рўйхат, 19 - йиғма жилд, 28-варақ.

²³ Навоий вилояти Маҳалла кенгашининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид ҳисоботлар тўплами. Навоий, 2019. – Б.7.

туманларининг айрим овул ва қишлоқларда ичимлик сувига талаб юқорилиги аниқланди.

Шу маънода, вилоятнинг чекка туман маҳаллаларида аҳолини тоза ва сифатли ичимлик суви билан таъминлаш заруриятидан келиб чиқиб, Навоий вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси ва фуқаролар йиғинлари раис (оқсоқол) лари ҳамда ҳамкор ташкилотлар қишлоқ жойларидаги тоза ичимлик сувига талаб юқори бўлган маҳаллаларни ўрганиб, ҳудудларда мавжуд, аммо техник носоз қудуқларни таъмирлаш, янгиларини қазиб бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш, бизнингча, аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжларини ижобий томонига ҳал этишга ёрдам беради. Шу билан бирга, аҳоли саломатлиги билан боғлиқ кўплаб касалликларнинг олди олинади.

Олиб борилган тадқиқот давомида “Обод маҳалла” дастурига кирган маҳаллаларда бажарилган ишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида”ги²⁴, 2018 йил 27 июндаги “Обод маҳалла” дастури тўғрисида”ги²⁵ Фармонларида белгиланган талаблар асосида ташкил қилинмаганлиги аниқланди.

Вилоятнинг қишлоқ туманларида аксарият “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” дастури доирасида ҳудудларда бажарилган ишлар талаб даражасида эмас. Бу каби ҳолатлар юзасидан Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев “...битта марказий кўчани оқлаб қўйиш – хиёнат”²⁶, деб фикр билдирган эди. Ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши ва бажарилган ишларнинг талаб даражада амалга оширилиши устидан жамоатчилик назорати қониқарли йўлга қўйилмаган. Умумий назорат маҳаллий ҳокимлар ваколоти ҳисобланса-да, шу вақтга қадар бу тизим ўз самарасини бермаяпти.

Республика вилоятлари орасида Навоий вилоятида оилавий ажримларнинг юқори эканлиги алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган муаммолардан бири ҳисобланади. Хусусан, Навоий вилояти нотинч оилалар ва ажримлар сони бўйича республика вилоятлари орасида аҳолига нисбатан олганда “пешқадам” ҳисобланади. Жумладан, 2021 йилнинг дастлабки 3 ойи давомида республика бўйича 11597 та нотинч оила рўйхатга олинган бўлиб, Тошкент шаҳрида 2398 та, Фарғона вилоятида 1519 та, Навоий вилоятида 1 005 та, Бухоро вилоятида 831 та, Самарқанд вилоятида 783 та, Қашқадарё вилоятида 752 та, Андижон вилоятида 682 тани ташкил этади²⁷. Бу эса, вилоятнинг ажримлар кўрсаткичи юқори бўлган шаҳарлар ва туманларида маҳалла институти ходимлари ва ҳамкор ташкилотларга ажрим ёқасига келиб қолган оилалар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш заруратини юзага келтиради.

²⁴ “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида”ги ПФ-5386-сонли Фармон. <https://lex.uz/docs/3604659> (10.09.2020)

²⁵ “Обод маҳалла” дастури тўғрисида”ги ПФ-5467-сонли Фармон. <https://lex.uz/docs/3797772>. (27.12.2019)

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор маълумотлари.

²⁷ Ҳар бир раҳбар ва ходим ўз устида ишлаши, ишга бўлган масъулиятини ошириши керак. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов раҳбарлигида 2021 йил 5 апрелда бўлиб ўтган видеоселектордаги маърузасидан.

Шунингдек, вилоятда хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг юқори эканлиги ҳам бартараф этилиши лозим бўлган муаммолардан биридир.

2011 йилнинг 10 август ҳолатига кўра, Навоий вилояти маҳаллаларида нотинч оилалар сони 46 та, диний экстремистик оқимга мансуб шахслар 132 та, ички ишлар ҳисобида турувчи вояга етмаган ёшлар 285 тани ташкил қилган²⁸. Энг ачинарли ҳолат ўтган йиллар давомида республикада хотин-қизлар орасида ҳам турли ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг йилдан йилга кўпайиб боришидир. Биргина 2010 йилда Республикада жами хотин-қизлар иштирокида 15532 та, Навоий вилоятида 343 та жиноятлар аниқланган²⁹. Бу республика вилоятлари орасида энг паст кўрсаткич ҳисобланса-да аҳоли сонига нисбатан юқоридир. 2020 йилга келиб, вилоятда профилактик ҳисобдаги хотин-қизлар сони 987 нафарни ташкил этади³⁰. Бу эса, Навоий вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ҳудудий бўлими томонидан алоҳида эътибор қаратилиши керак бўлган масалалардан биридир.

2020 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, Навоий вилоятида оилалар сони 266 909 та бўлиб, шундан камбағал оилалар сони 10596 та, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар 2505 тани ташкил этган. “Аёллар дафтари” га 95433 нафар, “Ёшлар дафтари”га 80887 нафар фуқаролар киритилган³¹. 2021 йил декабрь ҳолатига кўра вилоятда жами 274241 та оилалар бўлиб, шундан камбағал оилалар 476 та, нафақа олувчи оилалар 3651 та, боқувчисини йўқотган оилалар 874 та, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар 2505 тани ташкил этади³². Мазкур тоифаларни аниқлаш ва уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишда “маҳаллабай”, “хонадонбай” ва “фуқаробай” ишлаш тизимининг амалиётга жорий этилиши муҳим аҳамият касб этади.

2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, мавжуд 9219 та маҳалладан 7228 тасида жиноят содир этилмаган, 428 та маҳаллада жиноят камайган, 1136 та маҳаллада жиноятлар сони ошган³³. Республика миқёсида жиноятлар ошган маҳаллалар сонининг ортиб бориши “ҳавфсиз маҳалла” тамойилининг бугунги кун учун нақадар долзарблигини кўрсатади.

